

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ**

**КУНЛИК МЕҲНАТ БОЗОРИ ҲОЛАТИНИ
ЎРГАНИШ ВА УНИ ТАРТИБГА СОЛИШ**

(социологик сўров натижалари)

САМАРҚАНД-2020

УДК:631.331

Мардонов Б.Б., Мустофоев Ғ.С. Кунлик меҳнат бозори ҳолатини ўрганиш ва уни тартибга солиш (социологик сўров натижалари). Рисола. Самарқанд-2020 й.- 40 б.

Такризчилар: и.ф.н., доцент Шавқиев Э.
и.ф.н., доцент Султонов Ш.А.

Ушбу рисола кунлик меҳнат бозори ҳолати тўғрисида хулоса чиқариш, уни тартибга солиш, ёлланма ишчилар меҳнатида унумли фойдаланиш бўйича илмий тавсиялар ва таклифлар ишлаб чиқиш учун хизмат қилади.

Социологик сўров натижаларидан илмий ходимлар, тадқиқотчилар аҳоли бандлигини таъминлаш, меҳнат бозорига оид муаммоларни тадқиқ этишда, олий ва ўрта махсус билим юртларида таълим жараёнида, ўқувчи талабларнинг шу масалаларига оид билимларини чуқурлаштириш мақсадида ўқув ҳамда ўқув-услубий қўлланмаларни тайёрлашда фойдаланишлари мумкин.

Рисола Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти Ўқув-услубий Кенгашининг 2019 йил __ декабрдаги № __ -сонли йиғилишининг қарори билан чоп этишга тавсия этилган.

Кириш

Мамлакат иқтисодиётини юксалтиришда меҳнат ресурслари бошқа ишлаб чиқариш омилларига нисбатан кўпроқ самара берадиган ва белгиланган мақсад ва марраларга тезроқ эришиш имконини яратадиган бош омил ҳисобланади. Инсон омили имкониятларидан унумли фойдаланган дунёнинг бир қатор ривожланган мамлакатлари - АҚШ, Франция, Япония, Канада иқтисодий тараққиётининг юқори суръатларига эришдилар ва пировард натижада ўз халқлари учун муносиб турмуш даражасини таъминлаб беришга муваффақ бўлдилар.

Ўзбекистон ҳам улкан меҳнат ресурсларига бой мамлакат ҳисобланади. Меҳнат ресурслари доимий аҳолининг 57,1 фоизини ташкил этади¹. Ўзбекистон мустақиллик йилларидан бошлаб меҳнат ресурсларидан унумли фойдаланишни устувор вазифалар қаторига киритди. Ҳар йили минглаб янги иш ўринларини яратиш орқали уларни иш билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратаёпти. Шу сабабли ҳам республикамизда охирги ўн йил ичида бандлик даражаси 67,0 фоиздан юқори².

Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича қабул қилинган Ҳаракатлар стратегиясида аҳоли бандлигини ошириш, турмуш даражасини яхшилаш ва фаровонлигини таъминлашдек долзарб вазифа белгиланган. Ушбу вазифани амалга оширишнинг ягона йўли, ҳар бир ишлаб чиқариш омилидан унумли фойдаланишдир.

Тадқиқотларимиз республикамизнинг турли минтақаларида ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш жараёнида фойданланмасдан, эътибордан четда қолаётган ресурсларни аниқлади. Шулардан бири, кунлик меҳнат бозорига чиқаётган ишчи кучларидир. Улар бизнинг ҳисобимиз бўйича ҳар бир вилоятда қарийб минг кишини ташкил этади. Кунлик меҳнат бозорига чиқувчилар кунлик даромад топиш билан рўзғорини тебратаяпти. Иш берувчининг талабини қондираяпти. Қайсидир жиҳатдан миллий маҳсулот ва

¹ www.stat.uz Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси маълумотлари.

² www.stat.uz Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси маълумотлари.


хизмат кўрсатишда иштирок этаяпти. Демакки, кунлик меҳнат бозори ҳам мамлакат тараққиёти учун муҳим роль ўйнайди. Аммо кунлик меҳнат бозорида иш берувчи ва кунлик ишловчи ўртасида муносабатларни тартибга соладиган мукаммал қонун-қоидалар йўқлиги учун баъзи муаммолар келиб чиқаяпти. Масалан, кунлик меҳнат бозоридан ёлланган ишчилар иш жараёнида бахтсиз ҳодиса оқибатида жароҳат кўрсада ҳуқуқий ва моддий ёрдам кўрсатилмаслиги сабабли жабр кўраяпти. Ёки айтайлик, иш берувчи ҳам кунлик ишловчининг меҳнатида қониқмаётганлиги сабабли унга нисбатан аниқ чора кўраолмаяпти. Бундай ҳолат кунлик меҳнатга чиқувчилар ва иш бурувчилар ўртасида турли низоларни келтираяпти. Шунинг учун бизлар кунлик меҳнат бозорини тартибга солиш ундаги ишчи кучлари меҳнатида мамлакат равнақи йўлида унумли фойдаланиш мақсадида «Иш марказини» ташкил этишни тавсия этаяпмиз. Кунлик меҳнат бозорида «Иш маркази» ташкил этилса юқорида кўрсатиб ўтилган муаммолар ўз ечимини топган бўлар эди. Шу мақсадда Самарқанд вилояти туман ва шаҳарларида кунлик меҳнат бозоридаги ёлланма ишчиларидан социологик сўров ўтказилди. Социологик сўров жараёнида кунлик меҳнат бозоридаги ёлланма ишчиларнинг «Иш марказини» ташкил этиш тўғрисида фикрлари ҳам ўрганилди. Шунингдек, кунлик меҳнат бозорининг ўзига хос қулайликлари, ундаги ишловчиларнинг ҳар кунги ҳолати, иш ҳақисини нимага асосан белиглаши, кунлик меҳнат бозоридаги ишловчиларнинг таркиби, кунлик топаётган даромадидан қониқиши, «Иш маркази»да қандай хизмат турлари кўрсатилиши тўғрисидаги фикрларини ушбу рисола орқали Сиз азиз китобхонларга ҳавола қилмоқчимиз.

Кунлик меҳнат бозори ҳолатини ўрганиш ва уни тартибга солиш бўйича ўтказилган социологик тадқиқот натижалари

Кунлик меҳнат бозоридаги ёлланма ишчи кучлардан мамлакат раванқи йўлида унумли фойдаланиш мақсадида Самарқанд вилоятнинг бир неча туманларида социологик тадқиқот ўтказилди. Сўровларга жами 200 нафар ёлланма ишчилар жалб қилинган бўлиб, улардан 136 нафари (68%) эркаклар, 64 нафари (32%) аёллардан иборат (1-диаграмма).

1-диаграмма

Сўралганларни жинси бўйича таркиби



Тадқиқот жараёнида ёлланма ишчиларнинг ёши ҳам ўрганилди. Ўрганиш жараёнида маълум бўлдики кунлик меҳнат бозоридаги ёлланма ишчиларнинг аксарияти меҳнатга лаёқатлиларни ташкил этган. Жумладан, 18-24 ёш атрофдагилар 27 фоизни, 24-30 ёшдагилар 22 фоизни, 30-36 ёшдагилар 26 фоизни, 36 ёшдан юқори бўлганлар эса 25 фоизни ташкил этган (1-жадвал).

1-жадвал


Сўралганларнинг ёши бўйича таркиби

Жавоблар мазмуни	Ишловчилар сони, киши	Ишловчилар улуши, %
18-24	53	27
24-30	44	22
30-36	52	26
36 ёшдан юқори	51	25
Жами	200	100

Кунлик меҳнат бозоридаги ёлланма ишчиларнинг ҳозирги вақтдаги социал аҳволи ўрганилганда ишсизлар билан бирга тўлиқ банд бўлмаган кишилар борлиги ҳам аниқланди. Сўровларда иштирок этганларнинг 47 фоизи ишсизлар, 21 фоизи эса ўқувчи талабалар, 20 фоизи эса иш билан тўлиқ банд бўлмаганлар, (яъни ҳафтада тўлиқ иш билан банд бўлмаганлар) қолган 12 фоизи ёши улуғ пенсионерлар ташкил этган (2-диаграмма).

2-диаграмма


Сўралганларнинг ижтимоий аҳволи



Социологик сўровлар кунлик меҳнат бозоридаги ёлланма ишчиларнинг 17 фоизи олий маълумотли, 50 фоизи ўрта махсус маълумотга эга бўлган кишиларни ташкил этишини аниқлади. Қолган 33 фоизи эса тўлиқсиз ўрта маълумотлилардир. Умуман олганда кунлик меҳнат бозоридаги ёлланма ишчиларнинг асосан кўпчилиги маълум маълумотга ва касб-ҳунарга эга бўлган кишилардир (3-диаграмма).


3-диаграмма

Сўралганларнинг маълумоти бўйича таркиби



Уларга “Оилавий аҳволингиз қандай” деб берилган саволга 68 фоизи оилали эканлиги ва даромад топиш мақсадида кунлик иш излаб бозорга чиққанлигини айтишган. 32 фоизи уйланмаган (турмушга чиқмаган) ёшлардир (4-диаграмма).

4-диаграмма



Кунлик меҳнат бозорида ўтказилган сўровномада иштирок этган 200 нафар ёлланма ишчилардан касблари бўйича савол берилганда, улардан кўпчилиги, яъни 19 фоизи қурувчи, 17 фоизи эса ҳайдовчи касбига эга эканлигини айтишди. Қолган 3 фоизни ташкил этган касблар - инженер, ҳисобчи, тикувчилардир. Шунингдек, кунлик меҳнат бозорида ҳамшира, дурадгор ва аграном касбига эга бўлган ёлланма ишчилар 2 фоизни, ўқитувчи касбига эга бўлганлар эса 5 фоизни ташкил этган (2-жадвал).

Касбингиз

Жавоблар мазмуни	Ишловчилар сони , киши	Ишловчилар улуши, %
Хайдовчи	33	17
Инженер	5	3
Ҳисобчи	6	3
Иқтисодчи	11	6
Ўқитувчи	10	5
Курувчи	38	19
Сартарош	11	6
Шифокор	5	2
Ҳамшира	3	2
Тикувчи	6	3
Тўқувчи	2	1
Дурадгор	5	2
Агроном	3	2
бошқа	62	31
Жами	200	100

Кунлик ёлланма меҳнат бозоридаги ёлланма ишчилардан “Кунлик иш излаб ҳар куни чиқасизми” деган савол берилганда улардан 61 фоизи бўш вақтида иш излашини, қолган 39 фоизи эса ҳар куни бозорга даромад топиш учун иш излаб чиқишини айтишган.

Демак, маълумотлар кунлик меҳнат бозорида фақат ишсизлар эмас, балки иш билан банд бўлганлар ҳам аксарият қисмини ташкил этганлигини кўрсатаяпти (3-жадвал).

Кунлик иш излаб ҳар куни чиқасизми?

Жавоблар мазмуни	Ишловчилар сони, киши	Ишловчилар улуши, %
Ҳа	77	39
Бўш вақтимда	123	61
Жами	200	100

Сўровномада иштирок этган ёлланма ишчилардан кунлик даромадлари тўғрисида сўралганда уларнинг 29 фоизи 100 минг сўм даромад топишини,

31 фоизи 100 минг сўмдан 120 минг сўмгача баъзи ҳолларда 150 минг сўм даромад топишини билдиришган. Қолган 81 нафари ёлланма ишчилар ҳам 100-110 минг атрофида даромад топишини айтишган (4-жадвал).

4-жадвал

Бир кунлик даромадингиз?

Жавоблар мазмуни	Ишловчилар сони, киши	Ишловчилар улуши, %
100минг сўм	57	29
100-150 минг сўм	62	31
Бошқа	81	40
Жами	200	100

Респондентлардан “Сизга доимий ишга банд бўлиш учун бир ойда қанча маош тўланишини истайсиз?” деган савол билан мурожаат қилинганда 67 фоизи 1800.0 минг сўмдан юқори бўлишини, шунингдек 9 фоизи ҳам 1800.0 минг сўм тўласа мақсадга мувофиқ эканлигини билдиришган. Қолган 10 фоизи 1500.0 минг сўмни, 7 фоизи эса 1.0 миллион сўм тўланишини ишташган.

Демак, респондентларнинг аксарияти, яъни 76 фоизи ўртача иш ҳақидан юқори иш ҳақи тўланишина хоҳиш билдираяпти. Бироқ, бугунги кундаги хўжалик юритувчи субъектлар ишчиларга ўртача иш ҳақидан 2-3 мартага кам миқдорда иш ҳақи тўлаяпти. Юқорида ёлланма ишчиларнинг билдирган фикрлари шундан далолат бераяпти (5-жадвал).

5-жадвал

Сизга доимий иш билан банд бўлишингиз учун бир ойда қанча маош тўлашини истайсиз?

Жавоблар мазмуни	Ишловчилар сони, киши	Ишловчилар улуши, %
600 минг сўм	15	7
1 млн сўм	15	7
1.5 млн сўм	19	10
1.8 млн сўм	19	9
1.8 млн сўмдан юқори	132	67
Жами	200	100

Шу сабабли ишчилар иш билан банд бўлсада, бўш вақтларида даромад топиш мақсадида кунлик меҳнат бозорига чиқишади (200 нафардан 123 нафари).

Респондентлардан “Кунлик ёлланма ишдан топган даромадингиз сизни қаноатлантирадими?” деган савол билан мурожаат қилинганда 26 фоизи “Ҳа қаноатлантиради” деган жавобни беришган. 29 фоизи эса кунлик меҳнатидан топган даромади, уларни қаноатлантирмаслигини, эҳтиёжлари қондирмаслигини билдиришган. Шунингдек, қолган 45 фоизи ҳам “баъзан қаноатлантиради” деган жавобни белгилашган. Тадқиқотлар кунлик меҳнат бозори орқали даромад топиб, эҳтиёжини қондирувчилар жами сўровда иштирок этган ёлланма ишчиларнинг 71 фоизини ташкил этганлигини аниқлади (6-жадвал).


6-жадвал

Кунлик ёлланма ишдан топган даромадингиз сизни қаноатлантирадими?

Жавоблар мазмуни	Ишловчилар сони, киши	Ишловчилар улуши, %
Ҳа қаноатлантиради	51	26
Йўқ қаноатлантирмайди	59	29
Баъзан қаноатлантиради	90	45
Жами	200	100

Кунлик меҳнат бозоридаги ишчилардан “Ҳар доим иш топа оласизми?” деган савол билан мурожаат қилинганда уларнинг 31 фоизи “Ҳа”, 38 фоизи эса “Йўқ” деган жавобни беришган. Умуман олганда социологик тадқиқотларимиз кунлик меҳнат бозорида ёлланма ишчиларнинг 62 фоизи иш топишини аниқлади. Модомики, кунлик меҳнат бозорида ёлланма ишчиларнинг 50 фоиздан ортиғи кунлик иш топиш имконига эга бўлса, ва уларнинг топган даромадлари маълум эҳтиёжларини қондиришга етса ушбу бозорни ташкилий ва ҳуқуқий томонларини тартибга солиш лозим бўлади.

Ҳар доим иш топа оласизми ?



Шунингдек, ёлланма ишчилардан “Меҳнат бозорида кунлик иш билан шуғулланишда ўзингизни ноқулай ҳис қилмайсизми?” деган савол берилганда 34 фоизи “Йўқ меҳнат қилиб даромад топаяпман”, 32 фоизи эса “Кўникканман” - деган жавобларни беришган. Ушбу маълумотлардан кунлик меҳнат бозорига чиқувчилар ўзларини ҳар қандай ҳолатда ҳам ноқулай ҳис этмаслигини билиш мумкин. Кунлик меҳнат бозорида ёлланма ишчиларнинг бундай ҳолатлари уларни доимо фаол иштирок этишига ундайди (7-жадвал).

7-жадвал

Меҳнат бозорида кунлик иш билан шуғулланишда ўзингизни ноқулай ҳис қилмайсизми?


Жавоблар мазмуни	Ишловчилар сони, киши	Ишловчилар улуши, %
Танишларимни кўрсам ноқулай ҳис этаман	68	34
Йўқ меҳнат қилиб даромад топаяпман	68	34
Кўникканман	64	32
Жами	200	100

Кунлик меҳнат бозоридаги ишчилардан қуйидаги савол берилганда, “Кунлик меҳнат бозорида ишингизни қонуний расмийлаштиришни хоҳлайсизми?”. 74 фоиз ишловчилар “Ҳа” - деган жавобни, 26 фоизи эса

“Йўқ”- деган жавобни белгилашган. Ушбу маълумотлардан кунлик меҳнат бозоридаги ёлланма ишчилар яхши даромад олаётганлигини билиш мумкин (6-диаграмма).

6-диаграмма

Кунлик меҳнат бозорида ишингизни қонуний расмийлаштиришни хоҳлайсизми ?



Ёлланма ишчилардан “Кунлик меҳнат бозорида ишингизни қонуний расмийлаштиришни хоҳлайсизми ?” деган саволга “Ҳа” деб жавоб берган ишчилардан сабаби сўралганда уларнинг 37 фоизи қонундаги имтиёзлардан фойдаланишини, 33 фоизи иш стажи инобатга олинишини, 19 фоизи эса ҳуқуқларим ҳимояланишини истайман - деган жавобларни белгилашган. Қолган 11 фоизи кунлик бозорни тартибга солиш учун зарур эканлигини айтишган. Демак, кунлик меҳнат бозори ёлланма ишчиларнинг қўшимча даромад топиш имконини берар экан, ушбу бозор учун маълум тартибни жорий этиш ва унда ёлланма ишчиларнинг ҳуқуқлари ва инсоний шаъни ҳимоя қилиниши ҳамда қонунда кўрсатилган бошқа имтиёзлардан фойдаланиши назарда тутилиши керак (8-жадвал).

8-жадвал

Агар “Ҳа” бўлса нима сабабдан ?

Жавоблар мазмуни	Ишловчилар сони, киши	Ишловчилар улуши, %
Қонундаги имтиёзлардан	27	37

фойдаланаман		
Ҳуқуқларим ҳимояланади	14	19
Иш стажии инобатга олинади	24	33
Бошқа	9	11
Жами	74	100

Ёлланма ишчилардан “Кунлик меҳнат бозорида ишингизни қонуний расмийлаштиришни хоҳлайсизми ?” деган саволга “Йўқ” деб жавоб берган ишчилардан сабаби сўралганда эса уларнинг 34 фоизи “Қонун ҳимоясига ишонмаслигини” 33 фоизи ҳар кун чикмаганлиги сабабли “шарт эмас”, 18 фоизи эса “Зарурат сезмайман” мазмундаги жавобларни белгилаган бўлса, қолган 15 фоизи эса бошқа сабабларни келтирган (9-жадвал).

9-жадвал

Агар “Йўқ” бўлса нима сабабдан ?


Жавоблар мазмуни	Ишловчилар сони, киши	Ишловчилар улуши, %
Шарт эмас ҳар доим ишга чиқмайман	66	33
Зарурат сезмайман	36	18
Қонун ҳимоясига ишонмайман	68	34
Бошқа	30	15
Жами	200	100

Кунлик меҳнат бозоридаги ёлланма ишчиларга “Иш маркази” ташкил этилса рўйхатдан ўтармидингиз? деган савол билан мурожаат қилинганда 64 фоиз ёлланма ишчилар “Ҳа” мазмундаги жавобни қолган 36 фоизи “Йўқ” мазмундаги жавобни белгилашган. Модомики, кунлик меҳнат бозоридаги ёлланма ишчиларнинг деярли кўпчилиги “Иш маркази”ни ташкил этишни истар экан, кунлик меҳнат бозорини тартибга солиш, ёлланма ишчи ва иш берувчилар ўртасида турли низоларни қонун доирасида ҳал этиш йўллари

ишлаб чиқиш, меҳнат ҳақини белгилаш, иш турларини таклиф этишнинг замонавий кўриниши жорий этишга тўғри келади (7-диаграмма).

7-диаграмма

Кунлик меҳнат бозорида “Иш маркази” ташкил этилса рўйхатдан ўтармидингиз ?



Ёлланма ишчилардан “Иш излаб шаҳар ёки туманлардаги бандликка кумаклашиш марказларига мурожаат қилганмисиз?”- деган мазмундаги савол берилганда социологик сўровномада иштирок этган 200 нафар ишчилардан атиги 18 фоизи “Ҳа”, деган жавобни белгилаган бўлса, қолган 36 фоизи “Йўқ”, 29 фоизи “Фойдаси йўқ”, 17 фоизи эса ҳатто “Бу ташкилот ҳақида эшитмаганман” деган жавобларни белгилашган.

Бизнинг назаримизда ёлланма ишчиларнинг деярли аксарияти бандликка кўмаклашиш марказларига мурожаат қилишган. Чунки 29 фоиз ишчилар “Фойдаси йўқ” мазмундаги жавобни белгилаши бандликка кўмаклашиш марказларига мурожаат қилганлигини ёки ушбу ташкилот тўғрисида маълумотга эга эканлигини англатади (10-жадвал).

10-жадвал

Иш излаб шаҳар ёки туманлардаги бандликка кумаклашиш марказларига мурожаат қилганмисиз?

Жавоблар мазмуни	Ишловчилар сони, киши	Ишловчилар улуши, %
Ҳа	35	18
Йўқ	73	36
Фойдаси йўқ	58	29

Бу ташкилот ҳақида эшитмаганман	34	17
Жами	200	100

Кунлик меҳнат бозоридаги ёлланма ишчилардан “Иш маркази” қандай хизмат турлари кўрсатишини истайсиз? деган савол билан мурожаат қилинганда, ёлланма ишчиларнинг 26 фоизи “Иш топиб бериш хизматини”, 25 фоизи эса “Ёшига ва касб-хунарига мос иш топиб беришини”, 20 фоизи “Доимий ишга жойлаштириш хизматини”, 13 фоизи “Иш стажини қайд этиш хизматини”, қолган 11 ва 5 фоизи эса иш берувчилар билан келишмовчиликлар юзага келганда ҳуқуқларини ҳимоя қилиш хизмати кўрсатишини истаганлар.

Таҳлиллар социологик сўровномада иштирок этган 200 нафар ёлланма ишчилардан 84 фоизи “Иш маркази” иш топиб бериш ва бошқа хизмат турларини кўрсатишини аниқлади (11-жадвал).

11-жадвал

Кунлик меҳнат бозорида “Иш маркази” қандай хизмат турлари кўрсатишини истайсиз?

Жавоблар мазмуни	Ишловчилар сони, киши	Ишловчилар улуши, %
Иш топиб бериш хизматини	52	26
Доимий ишга жойлаштириш хизматини	39	20
Иш стажини қайд этиш хизмати	27	13
Ёшига ва касби-хунарига мос иш топиб беришини	50	25
Иш берувчилар билан келишмовчиликларни ҳал этиш хизмати	10	5
Ҳуқуқларимиз ва шаънимизни ҳимоя қилиш хизмати	22	11
Жами	200	100

Шунингдек, ёлланма ишчилардан “Иш маркази” Сизга қандай хизмат кўрсатгани учун унга ўз фойдангиздан маълум фоизда пул тўлашни истайсизми? мазмундаги савол берилганда қарийб ярими яъни 43 фоизи “Ҳа” деган жавобни беришган. Қолган 26 фоизи фақатгина иш топиб беришини, 22 фоизи эса “Иш маркази” хизмат кўрсатгани учун ўз

фойдасидан фоиз тўламаслигини ва 9 фоизи эса турли хизматларини жумладан иш берувчи ҳисобидан тўланишини ёки шарт эмас мазмундаги жавобларни белгилашган (12-жадвал).

12-жадвал

Кунлик меҳнат бозоридаги “Иш маркази” сизга хизмат кўрсатгани учун унга ўз фойдангиздан маълум фоизда пул тўлашни истайсизми?

Жавоблар мазмуни	Ишловчилар сони, киши	Ишловчилар улуши, %
Ҳа	86	43
Йўқ	43	22
Иш топиб беришини ҳоҳламайман	53	26
Бошқа	18	9
Жами	200	100

Ёлланма ишчилардан кунлик меҳнат бозорининг қандай қулайликлари мавжудлиги тўғрисида сўралганда уларнинг аксарияти, яъни 44 фоизи “Келишилган иш жойига бориш ва овқатланиш харажатлари иш берувчи томонидан қопланиши”, 39 фоизи эса “Кунлик даромадга эга бўлиш” қулайлигини айтишган. Ҳатто, 3 фоизи ишни муддатидан олдин бажариб бўлишини билдирган. Қолган 5 фоизи доимий иш топиш мумкинлигини кўрсатган. Атиги 6 фоизи эса меҳнат бозорида қулайликлар мавжуд эмаслигини ва 3 фоизи эса бошқа сабабларини жумладан иш сўраб юриш ноқулай эканлигини айтишган (13-жадвал).

13-жадвал

Кунлик меҳнат бозорида қандай қулайликлар мавжуд?

Жавоблар мазмуни	Ишловчилар сони, киши	Ишловчилар улуши, %
Келишилган иш жойига бориш ва овқатланиш харажатлари иш берувчи томонидан қопланиши	87	44
Кунлик даромадга эга бўлиш	79	39
Ишни муддатидан олдин тугатиш	7	3
Доимий иш топиш осонлиги	9	5
Қулайликлар мавжуд эмас	12	6
Бошқа	6	3
Жами	200	100

Ёлланма ишчилардан “Кунлик меҳнат бозорини тартибга солинишини истайсизми?”- деб сўралганда 62 фоизи “Ҳа”, 18 фоизи “Йўқ”, 20 фоизи “Шарт эмас” деган жавобларни белгилашган. Социологик тадқиқотларимиз ёлланма ишчиларнинг кўпчилиги кунлик меҳнат бозорини тартибга солинишини истаётганлиги аниқлади (14-жадвал).

14-жадвал

Кунлик меҳнат бозорини тартибга солинишини истайсизми?

Жавоблар мазмуни	Ишловчилар сони, киши	Ишловчилар улуши %
Ҳа	123	62
Йўқ	36	18
Шарт эмас	41	20
Жами	200	100

Кунлик меҳнат бозоридаги ёлланма ишчиларга “Кунлик меҳнат бозорида қандай имтиёзлар бўлишини хоҳлайсиз?” мазмунидаги савол берилганда уларнинг 49 фоизи ҳуқуқларини ҳимоя қилинишини кўрсатишган. 42 фоизи эса ҳар доим иш топиб берилишини сўрашган. Қолган 9 фоизи эса турли сабабларни жумладан, касбига, ёшига муносиб иш топиш учун қулай шароит бўлишини хоҳлаган (15-жадвал).

15-жадвал

Кунлик меҳнат бозорида қандай имтиёзлар бўлишини хоҳлайсиз?

Жавоблар мазмуни	Ишловчилар сони, киши	Ишловчилар улуши %
Ҳуқуқларим ҳимоя қилинишини	97	49
Ҳар доим иш топиб берилишини	85	42
Бошқа	18	9
Жами	200	100

Кунлик меҳнат бозорида энг муҳим муаммо ёлланма ишчиларнинг меҳнат ҳақини белгиланишидир. Социологик сўровларимиз ёлланма ишчилар меҳнат ҳақини белгилашида асосан ишнинг турига қарашини

таъкидлашган ва улар жами иштирокчиларнинг 42 фоизини ташкил этган. 22 фоизи ишчилар “Бозордаги шерикларимга қарайман” деган жавобни белгилашган. 18 фоизи иш мавсумига қарашини, 16 фоизи оилавий харажатларига қарашини, қолган 2 фоизи эса кунлик зарур бўлган даромадларга қараб белгилашини кўрсатишган (16-жадвал).

16-жадвал

Кунлик меҳнат бозорида меҳнат ҳақини нимага асосан белгилайсиз ?

Жавоблар мазмуни	Ишловчилар сони, киши	Ишловчилар улуши, %
Бозордаги шерикларимга қарайман	43	22
Иш турига қарайман	84	42
Оилавий харажатларимга қарайман	33	16
Иш мавсумига қарайман	36	18
Бошқа	4	2
Жами	200	100

Ёлланма ишчиларга “Кунлик меҳнат бозорини давлат томонидан тартибга солиб туришини истайсизми?” деган савол билан мурожаат қилинганда, уларнинг 60 фоизи “Ҳа истайман”, 22 фоизи “Йўқ истамайман”, 18 фоизи эса “Зарурат сезмайман” деган жавобларни белгилашган (17-жадвал).

17-жадвал

Кунлик меҳнат бозорини давлат томонидан тартибга солиб туришини истайсизми?

Жавоблар мазмуни	Ишловчилар сони, киши	Ишловчилар улуши, %
Ҳа истайман	119	60
Йўқ истамайман	45	22
Зарурат сезмайман	36	18
Жами	200	100

Кунлик меҳнат бозоридаги ёлланма ишчилардан “Иш маркази”га мурожаат қилишлари учун нима қилиш лозимлиги тўғрисида сўровномага “Қандай иш тутилса сиз кунлик меҳнат бозоридаги “Иш марказига”

муружаат қилган бўлардингиз?” деган мазмунда савол киритилган эди. Ушбу саволга 200 нафар иштирокчилардан 21 фоизи кунлик ишчи кучи бозорида “Иш маркази” ташкил этилишини истаган бўлсалар, 17 фоизи “Иш маркази” ёлланма ишчиларни қонуний ҳуқуқларини ҳимоя қилишини , 16 фоизи “Иш маркази” иш сўраб борилганда иш топиб беришини хоҳлаган. 15 фоизи эса “Иш маркази” ходимлари бизларни жалб этиб туришини билдиришган. 12 фоизи “Иш маркази” кунлик даромадимизни берса ҳамда турли иш турларини таклиф этилишини билдиришган. 7 фоизи эса “Иш маркази” иш жараёнидаги юзага чиққан муаммоларни ҳал этиб беришини истаган (18-жадвал).

18-жадвал


Қандай иш тутилса сиз кунлик меҳнат бозоридаги “Иш марказига” муружаат қилган бўлардингиз?

Жавоблар мазмуни	Ишловчилар сони, киши	Ишловчилар улуши, %
Кунлик ишчи кучи бозорида “Иш маркази” ташкил этилса	42	21
“Иш маркази” ходимлари бизларни жалб этса	30	15
“Иш маркази” иш сўраб борилганда иш топиб берса	31	16
“Иш маркази” иш турларини таклиф этса	24	12
“Иш маркази” кунлик даромадимизни берса	24	12
“Иш маркази” иш жараёнидаги муаммоларни ҳал қилса	14	7
“Иш маркази” қонуний ҳуқуқларимни ҳимоя қилса	35	17
Жами	200	100

Кунлик меҳнат бозорида “Иш маркази” ташкил этилса у билан шартнома асосида ишлашни истайсизми ? деган савол берилганда 68 фоизи “Ҳа” деган жавобни кўрсатишган бўлса, қолган 32 фоизи эса “Йўқ” деган жавобни белгилашган (8-диаграмма).

8-диаграмма

Кунлик меҳнат бозорида “Иш маркази” ташкил этилса у билан шартнома асосида ишлашни истайсизми ?



Хулоса

Ўтказилган социологик тадқиқот натижаларини умумлаштириш, кунлик меҳнат бозоридаги аҳволни синчковлик билан ўрганиш натижасида кунлик меҳнат бозорини тартибга солиш ундаги ёлланма ишчилар меҳнатида унумли фойдаланиш бўйича қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Кунлик меҳнат бозорига иш излаш учун чиққан ёлланма ишчиларнинг 47 фоизи ишсизлар, 21 фоизи эса ўқувчи-талабалар, 20 фоизи эса иш билан тўлиқ банд бўлмаганлар, (яъни ҳафтада тўлиқ иш билан банд бўлмаганлар) қолган 12 фоизи эса ёши улугʻ пенсионерлар ташкил этади. Кунлик меҳнат бозоридаги ёлланма ишчиларнинг 20 фоизи хўжалик юритувчи субъектларда банд бўлсаларда, бироқ уларнинг маоши ўртача иш ҳақидан кам бўлганлиги сабабли бўш вақтларида даромад топиш мақсадида кунлик меҳнат бозорига чиқишини таъкидлашган.

2. Кунлик меҳнат бозоридаги ёлланма ишчиларнинг кунлик даромади 100,0 минг сўмдан 120,0 минг сўмни ташкил этади. Агар уни 25 кунга ҳисоблаган тақдирда ҳам ўртача иш ҳақидан қарийб 700,0-800,0 минг сўмга зиёд. Шу сабабли кунлик ёлланма ишчилар ўртача иш ҳақидан паст миқдорда маош тўлайдиган хўжалик юритувчи субъектларда ишлашидан кўра кунлик меҳнат бозорига чиқиб даромад топишни афзал кўради.

3. Кунлик меҳнат бозорига чиққан ёлланма ишчиларнинг 17 фоизи олий маълумотли, 50 фоизи ўрта махсус маълумотга эга бўлган кишилардир. Улар кунлик меҳнат бозорида қуйидаги қулайликлар мавжудлигини кўрсатишган: келишилган иш жойига бориш ва овқатланиш ҳаражатлари иш берувчи томонидан қопланиши, кунлик даромадга эга бўлиш, ишни муддатидан олдин бажариб бўлиши, ҳар томонлама қулайликларга эга доимий иш топиш мумкинлиги. Шу сабабли кунлик меҳнат бозоридаги 62 фоиз ёлланма ишчи кунлик меҳнат бозорини тартибга солинишини исташади.

4. Кунлик меҳнат бозорига чиқувчи ёлланма ишчиларнинг 62 фоизи иш топа олади. Шунингдек, улардан “Кунлик ёлланма ишдан топган

даромадингиз сизни қаноатлантирадими?” деган савол билан мурожаат қилинганда 71 фоизи кунлик иш орқали топган даромадлари уларни қаноатлантиришини таъкидлашган.

5. Кунлик меҳнат бозорига чиқувчи ёлланма ишчилар кунлик меҳнат бозорида ўзларини ноқулай ҳис этмайди. Аксинча, уларнинг 66 фоизи меҳнат қилиб даромад топаётганлигини, ҳамда кунлик ишларга қўникканлигини билдиришган. Модомики, уларни кунлик меҳнат бозорида иш излаб мурожаат қилишлари ноқулайлик туғдирмас экан бундай ҳолатлар уларни меҳнат бозорида доимо фаол иштирок этишига ундайди.

6. Кунлик меҳнат бозоридаги ёлланма ишчиларнинг 74 фоизи кунлик меҳнатини қонуний расмийлаштирилишини истаган. Ўз меҳнатларини қонуний расмийлаштирилишини истаган ёлланма ишчилар қуйидаги сабабларини келтирган: жумладан, қонундаги имтиёзлардан фойдаланишини, кунлик меҳнати иш стажига киритилишини, иш жараёнида ҳуқуқлари ҳимояланишини. Демак, кунлик меҳнат бозоридаги ёлланма ишчилар ўз меҳнатларини қонуний расмийлаштириш истаклари бор экан уларни меҳнатидан мамлакат равнақи йўлида фойдаланиш имкони ҳам бўлади.

7. Ёлланма ишчилар “Иш маркази” қуйидаги хизмат турларини кўрсатишини белгилашган: яъни уларнинг 26 фоизи “Иш топиб бериш хизматини”, 25 фоизи эса “Ёшига ва касб-ҳунарига мос иш топиб беришини”, 20 фоизи “Доимий ишга жойлаштириш хизматини”, 13 фоизи “кунлик меҳнати қайд этилишини ва уни иш стажига киритиб бориш хизматини”, қолган 11 ва 5 фоиз эса иш берувчилар билан келишмовчиликлар юзага келганда ҳуқуқларини ҳимоя қилиш хизматини.

8. Социологик сўровларимиз ёлланма ишчилар меҳнат ҳақини белгилашида асосан ишнинг турига қарашини таъкидлашган ва улар жами иштирокчиларнинг 42 фоизини ташкил этган. 22 фоиз ишчилар бозордаги шерикларига қарашини белгилашган. 18 фоиз ишчилар иш мавсумига қарашини, 16 фоиз оилавий харажатларига қарашини, қолган 2 фоизи эса кунлик зарур бўлган даромадларга қараб белгилашини кўрсатишган.

9.Кунлик меҳнат бозоридаги “Иш маркази” ёлланма ишчиларга асосан қуйидаги хизмат турларини кўрсатса мурожаат қилишларини эътироф этишган: кунлик ишчи кучи бозорида “Иш маркази” ташкил этилса ва ишчиларни қонуний ҳуқуқларини ҳимоя қилишини , “Иш маркази”га иш сўраб борилганда кунлик иш топиб беришини хоҳлаган. “Иш маркази” кунлик ишларни қайд қилиб меҳнат стажига киритиб боришини.

10.Кунлик меҳнат бозоридаги ёлланма ишчилар “Иш маркази” ташкил этилса у билан шартнома тузиш истакларини билдиришган. Социологик сўровларда 68 фоиз ёлланма ишчи “Кунлик меҳнат бозорида “Иш маркази” ташкил этилса у билан шартнома асосида ишлашни истайсизми? “Ҳа” деган жавобни беришган.

Таклифлар ва тавсиялар

Социологик тадқиқот иштирокчилари кунлик меҳнат бозори ҳолатини ўрганиш ва уни тартибга солиш, ундаги ёлланма ишчилар меҳнатидан мамлакат равнақи йўлида унумли фойдаланиш бўйича қуйидаги таклиф ва тавсияларни бердилар:

Биринчиси, кунлик меҳнат бозорида давлат хусусий шерикчилиги асосида “Иш марказини” ташкил этиш ва унда ёлланма ишчиларни жалб этиш лозим. Шу мақсадларда кунлик ёлланма ишчиларни фақат “Иш маркази” орқали иш излашларини ва унга мурожаат қилишларини, шунингдек иш беруви ҳам “Иш маркази” орқали ишчиларни жалб этишга ўргатиш бўйича, масалан, “Иш марказига” мурожаат қилинг!, “Иш маркази” сиз учун ташкил этилган!, “Иш маркази” ҳақида нималарни биласиз? каби мавзуларда илмий оммавий рисола, оммавий ахборот воситалар орқали уни тарғибот ва ташвиқот қилиш, ушбу масала юзасидан давра суҳбатларини ўтказиш орқали кунлик даромад топиш истагида бўлганларни “Иш маркази” орқали кунлик ишга жалб этиш мумкин;

Иккинчиси, кунлик меҳнат бозоридаги давлат хусусий шерикчилиги асосида ташкил этилган “Иш маркази” фаолиятини ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаш. Бу борада “Иш маркази фаолияти” тўғрисида қонун ишлаб чиқиш. Ушбу қонун кунлик ёлланма ишчилар ва иш берувчиларни ҳуқуқларини ҳимоя қилади, мажбуриятларини белгилаб беради. Шунингдек, иш жараёнида иш берувчи ва кунлик ишловчи ўртасида юзага келадиган турли хил низоли ҳолатларни, келишмовчиликларни адолатли ҳал этишда хизмат қилади.

Учинчиси, кунлик ёлланма ишчиларни “Иш марказига” жалб этишнинг рағбатлантириш механизминини ишлаб чиқиш ва уни амалиётга жорий этиш. Бунинг учун “Иш маркази” орқали кунлик ишга жойлашиб даромад топаётган ишчиларни молиявий қўллаб-қувватлаш. Масалан, истеъмор кредитини олишда давлат кафолат бериши, ёки айтайлик, соғлиғини тиклаш учун ўзи истеъқомат қилаётган оилавий поликлиникаларда бепул

даволанишига йўлланмалар бериш, фарзандларини ёзги дам олиш масканларига жойлаштиришга ёрдамлашиш каби ишлар амалга оширилса кунлик меҳнат бозорига чиқувчилар фақатгина “Иш маркази” орқали иш топишга интилади ва бу катта самара беради.

Тўртинчиси, кунлик ишчиларни кунлик топаётган даромадларидан мажбурий солиқ ундириш эмас балки, уларнинг ўз ихтиёрига қўйиб, кунлик топаётган даромадидан келгусида масалан айтайлик, ишга яроқсиз бўлган вақтларда ундан фойдаланиш учун пенсия жамғармасига ўзи истаган миқдорда маблағ қўйишини таъминлаш лозим. Бу эса кунлик ишловчиларни келгусида кимгадир боқиманда бўлмаслигига, ёки мажбурий тўловларни, жумладан коммунал тўловларини мунтазам тўланишига эришилади ва бу жамиятга, ўзига ҳам катта фойда беради.

Бешинчиси, кунлик меҳнат бозоридаги “Иш маркази”да иш берувчилар ҳам рўйхати олинади. Бу кунлик даромад топишга чиқувчилар учун кунлик иш кафолатланади.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ**

**“Кунлик меҳнат бозори ҳолатини ўрганиш ва уни тартибга солиш” бўйича
АНКЕТА СЎРОВНОМАСИ**

Ушбу сўровнома кунлик меҳнат бозори ҳолатини ўрганиш уни тартибга солиш, ундаги ишчи кучларидан мамлакат равақи йўлида унумли фойдаланиш бўйича илмий тақлиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш учун хизмат қилади. Бу борада Сизнинг фикрларингиз биз учун муҳим ҳисобланади. Шу сабабли ушбу сўровномани тўлдириб беришингизни сўраймиз.

1.Жинсингиз.

- А) Аёл;
- Б) Эркак.

2.Ёшингиз.

- А) 18 ёшдан 24 ёшгача;
- Б) 24 ёшдан 30 ёшгача;
- В) 30 ёшдан 36 ёшгача;
- Г) 36 ёшдан юқори.

3.Ҳозирги вақтда ижтимоий аҳволингиз.

- А) Ўқувчи талаба;
- Б) Ишсиз;
- В) Пенсияонер;
- Г) Ишлайди.

4.Маълумотингиз.

- А) Олий;
- Б) Ўрта махсус;
- В) Тўлиқсиз ўрта.

5. Оилавий аҳволингиз.

- А) Оилалиман _____ нафар фарзандим бор;
- Б) Уйланмаган (турмушга чиқмаган).

6.Касбингиз.

- А) Ҳайдовчи;
- Б) Инженер;
- В) Ҳисобчи;
- Г) Иқтисодчи;
- Д) Ўқитувчи;
- Е) Қурувчи;
- Ё) Сартарош;
- Ж)Шифокор;
- З)Ҳамшира;
- И)Тикувчи;
- К)Тўқувчи;
- Л)Дурадгор;
- М)Аграном;
- Н) Бошқа

7. Кунлик иш излаб ҳар куни чиқасизми?

- А) Ҳа;
- Б) Бўш вақтимда.

8.Бир кунлик даромадингиз.

- А)100 минг сўм;
- Б) 100минг сўмдан 150 минг сўмгача;
- В)_____.

9.Сизга доимий иш билан банд бўлишингиз учун бир ойда қанча маош тўлашини истайсиз?

- А) 600 минг сўм;
- Б) 1 миллион сўм;
- С) 1 миллион 500 минг сўм;
- Д) 1 миллион 800 минг сўм;
- Е) 1 миллион 800 минг сўмдан юқори.

10.Кунлик ёлланма ишдан топган даромадингиз сизни қаноатлантирадими?

- А) Ҳа, қаноатлантиради;
- Б) Йўқ, қаноатлантирмайди;
- В) Баъзан қаноатлантиради.

11. Ҳар доим иш топа оласизми?

- А) Ҳа;
- Б) Йўқ;
- В) Баъзан топа оламан.

12. Меҳнат бозорида кунлик иш билан шуғулланишда, ўзингизни ноқулай хис этмайсизми?

- А) Танишларимни кўрсам ноқулай хис этаман;
- Б) Йўқ, меҳнат қилиб даромад топаяпман;
- С) Кўникканман.

13. Кунлик меҳнат бозорида ишингизни қонуний расмийлаштиришни хоҳлайсизми?

- А) Ҳа;
- Б) Йўқ.

14. Агар “Ҳа” бўлса нима сабабдан?

- А) Қонундаги имтиёзлардан фойдаланаман;
- Б) Ҳуқуқларим ва инсоний шаъним ҳимояланади.
- В) Иш стажи инобатга олинади.
- Г) _____

15. Агар “Йўқ” бўлса нима сабабдан.

- А) Шарт эмас ҳар доим ишга чиқмайман.
- Б) Зарурат сезмайман.
- В) Қонун ҳимоясига ишонмайман.
- Г) _____

16. Кунлик меҳнат бозорида “Иш маркази” ташкил этилса рўйхатдан ўтармидингиз?

- А) Ҳа;
- Б) Йўқ;

17. Иш излаб шаҳар ёки туманлардаги бандликка кўмаклашиш марказларига мурожаат қилганмисиз?

- А) Ҳа;
- Б) Йўқ;
- В) Фойдаси йўқ.
- Г) Бу ташкилот ҳақида эшитмаганман.

18.Кунлик меҳнат бозоридаги “Иш маркази” қандай хизматлар кўрсатишини истайсиз?

- А) Иш топиб бериш хизмати;
- Б) Доимий ишга жойлаштириш хизмати;
- В) Иш стажини қайд этиш хизмати;
- Г) Ёшига ва касби-ҳунарига мос иш топиб бериш хизмати;
- Д) Иш берувчилар билан келишмовчиликларни ҳал этиш хизмати;
- Е) Ҳуқуқларимиз ва шаънимизни ҳимоя қилиш хизмати.

19. Кунлик ишчи бозоридаги “Иш маркази” сизга хизмат кўрсатгани учун унга ўз фойдангиздан маълум фоизда пул тўлашни истайсизми?

- А) Ҳа;
- Б) Йўқ;
- В) Иш топиб беришини ҳохламайман.
- Г) _____

20.Кунлик меҳнат бозорида қандай қулайликлар мавжуд?

- А) Келишилган иш жойига бориш ва овқатланиш харажатлари иш берувчи томонидан қопланиши;
- Б) Кунлик даромадга эга бўлиш;
- В) Ишни муддатидан олдин тугатиш;
- Г) Доимий иш топиш осонлиги;
- Д) Қулайликлар мавжуд эмас;
- Е) _____

21.Кунлик меҳнатбозорини тартибга солишни истайсизми?

- А) Ҳа;
- Б) Йўқ;
- В) Шарт эмас.

22. Кунлик ишчи кучи бозорида қандай имтиёзлар бўлишини ҳохлайсиз?

- А) Ҳуқуқларимни ҳимоя қилишини ҳохлайман.
- Б) Ҳар доим иш топиб беришини ҳохлайман
- В) _____.

23. Кунлик меҳнатбозоридамеҳнат ҳақини нимага асосан белгилайсиз?

- А) Бозордаги шерикларимга қарайман;
- Б) Иш турига қарайман;
- В) Оилавий харажатларимга қарайман;

- Г) Иш мавсумига қарайман;
Д)_____.

24.Кунлик меҳнатбозорини давлат томонидан тартибга солиб туришини истайсизми?

- А) Ҳа, истайман;
Б) Йўқ, истамайман;
В) Зарурат сезмайман.

25.Қандай иш тутилсаСиз кунлик меҳнатбозоридаги “Иш марказига” мурожаат қилган бўлардингиз?

- А) Кунлик ишчи кучи бозорида “Иш маркази” ташкил этилса;
Б) “Иш маркази” ходимлари бизларни жалб этса;
В) “Иш маркази” иш сўраб борилганда иш топиб берса;
Г) “Иш маркази” иш турларини таклиф этса;
Д) “Иш маркази” кунлик даромадимизни берса;
Е) “Иш маркази” иш жараёнидаги муаммоларни ҳал қилса;
Ё) “Иш маркази” қонуний ҳуқуқларимни ҳимоя қилса;

26. Кунлик меҳнат бозорида “Иш маркази” ташкил этилса у билан шартнома асосида ишлашни истайсизми?

- А) Ҳа;
Б) Йўқ.

ЎТКАЗИЛГАН СЎРОВЛАР АСОСИДА ТУЗИЛГАН ЖАДВАЛЛАР

1-жадвал

Сўралганларнинг жинси бўйича таркиби

Жавоблар сони	Ишловчилар сони, киши	Ишловчилар улуши, %
Эркак	136	68
Аёл	64	32
Жами	200	100

2-жадвал

Сўралганларнинг ёши бўйича таркиби

Жавоблар мазмуни	Ишловчилар сони, киши	Ишловчилар улуши, %
18-24	53	27
24-30	44	22
30-36	52	26
36 ёшдан юқори	51	25
Жами	200	100

3-жадвал

Сўралганларнинг ижтимоий аҳволи

Жавоблар мазмуни	Ишловчилар сони, киши	Ишловчилар улуши, %
Уқувчи талаба	42	21
Ишсиз	94	47
Пенсионер	23	12
Ишлайди	41	20
Жами	200	100

4-жадвал

Сўралганларнинг маълумоти бўйича таркиби

Жавоблар мазмуни	Ишловчилар сони, киши	Ишловчилар улуши, %
Олий	34	17
Ўрта махсус	100	50
Тўлиқсиз ўрта	66	33
Жами	200	100

5-жадвал

Оилавий аҳволингиз

Жавоблар мазмуни	Ишловчилар сони, киши	Ишловчилар улуши, %
Оилали	136	68
Уйланмаган (турмушга чиқмаган)	64	32
Жами	200	100

6-жадвал

Касбингиз

Жавоблар мазмуни	Ишловчилар сони , киши	Ишловчилар улуши, %
Хайдовчи	33	17
Инженер	5	3
Ҳисобчи	6	3
Иқтисодчи	11	6
Ўқитувчи	10	5
Қурувчи	38	19
Сартарош	11	6
Шифокор	5	2
Ҳамшира	3	2
Тикувчи	6	3
Тўқувчи	2	1
Дурадгор	5	2
Агроном	3	2
бошқа	62	31
Жами	200	100

7-жадвал

Кунлик иш излаб ҳар куни чиқасизми?

Жавоблар мазмуни	Ишловчилар сони, киши	Ишловчилар улуши %
Ҳа	77	39
Бўш вақтимда	123	61
Жами	200	100

8-жадвал

Бир кунлик даромадингиз?

Жавоблар мазмуни	Ишловчилар сони, киши	Ишловчилар улуши, %
100минг сўм	57	29
100-150 минг сўм	62	31
Бошқа	81	40
Жами	200	100

9-жадвал

Сизга доимий иш билан банд бўлишингиз учун бир ойда қанча маош
тўлашини истайсиз?

Жавоблар мазмуни	Ишловчилар сони, киши	Ишловчилар улуши, %
600 минг сўм	15	7
1 млн сўм	15	7
1.5 млн сўм	19	10
1.8 млн сўм	19	9
1.8 млн сўмдан юқори	132	67
Жами	200	100

10-жадвал

Кунлик ёлланма ишдан топган даромадингиз сизни
қаноатлантирадими?

Жавоблар мазмуни	Ишловчилар сони, киши	Ишловчилар улуши, %
Ҳа қаноатлантиради	51	26
Йўқ қаноатлантирмайди	59	29
Баъзан қаноатлантиради	90	45
Жами	200	100

11-жадвал

Ҳар доим иш топа оласизми ?

Жавоблар мазмуни	Ишловчилар сони, киши	Ишловчилар Улуши, %
Ҳа	62	31
Йўқ	75	38
Баъзан топа оламан	63	31
Жами	200	100

12-жадвал

Меҳнат бозорида кунлик иш билан шуғулланишда ўзингизни ноқулай ҳис қилмайсизми?

Жавоблар мазмуни	Ишловчилар сони, киши	Ишловчилар улуши, %
Танишларимни кўрсам ноқулай ҳис этаман	68	34
Йўқ меҳнат қилиб даромад топаяпман	68	34
Кўникганман	64	32
Жами	200	100

13-жадвал

Кунлик меҳнат бозорида ишингизни қонуний расмийлаштиришни
хохлайсизми ?

Жавоблар мазмуни	Ишловчилар сони, киши	Ишловчилар Улуши, %
Ҳа	148	74
Йўқ	52	26
Жами	200	100

14-жадвал

Агар “Ҳа” бўлса нима сабабдан ?

Жавоблар мазмуни	Ишловчилар сони, киши	Ишловчилар улуши, %
Қонундаги имтиёзлардан фойдаланаман	27	37
Ҳуқуқларим ҳимояланади	14	19
Иш стажи инобатга олинади	24	33
Бошқа	9	11
Жами	74	100

15-жадвал

Агар “Йўқ” бўлса нима сабабдан ?

Жавоблар мазмуни	Ишловчилар сони, киши	Ишловчилар улуши, %
Шарт эмас ҳар доим ишга чиқмайман	66	33
Зарурат сезмайман	36	18
Қонун ҳимоясига ишонмайман	68	34
Бошқа	30	15
Жами	200	100

16-жадвал

Кунлик меҳнат бозорида “Иш маркази” ташкил этилса рўйхатдан
ўтармидингиз ?

Жавоблар мазмуни	Ишловчилар сони, киши	Ишловчилар Улуши, %
Ҳа	127	64
Йўқ	73	36
Жами	200	100

17-жадвал

Иш излаб шаҳар ёки туманлардаги бандликка кумаклашиш
марказларига мурожаат қилганмисиз?

Жавоблар мазмуни	Ишловчилар сони, киши	Ишловчилар улуши, %
Ҳа	35	18
Йўқ	73	36
Фойдаси йуқ	58	29
Бу ташкилот ҳақида эшитмаганман	34	17
Жами	200	100

18-жадвал

Кунлик меҳнат бозорида “Иш маркази” қандай хизмат турлари
кўрсатишини истайсиз?

Жавоблар мазмуни	Ишловчилар сон, киши	Ишловчилар улуши, %
Иш топиб бериш хизматини	52	26
Доимий ишга жойлаштириш хизматини	39	20

Иш стажини қайд этиш хизмати	27	13
Ёшига ва касби-ҳунарига мос иш топиб беришини	50	25
Иш берувчилар билан келишмовчиликларни ҳал этиш хизмати	10	5
Ҳуқуқларимиз ва шаънимизни ҳимоя қилиш хизмати	22	11
Жами	200	100

19-жадвал

Кунлик меҳнат бозоридаги “Иш маркази” сизга хизмат кўрсатгани учун унга ўз фойдангиздан маълум фоизда пул тўлашни истайсизми?

Жавоблар мазмуни	Ишловчилар сони, киши	Ишловчилар улуши, %
Ҳа	86	43
Йўқ	43	22
Иш топиб беришини хоҳламайман	53	26
Бошқа	18	9
Жами	200	100

20-жадвал

Кунлик меҳнат бозорида қандай қулайликлар мавжуд?

Жавоблар мазмуни	Ишловчилар сони, киши	Ишловчилар улуши, %
Келишилган иш жойига бориш ва овқатланиш ҳаражатлари иш берувчи томонидан қопланиши	87	44
Кунлик даромадга эга бўлиш	79	39
Ишни муддатидан олдин тугатиш	7	3
Доимий иш топиш осонлиги	9	5
Қулайликлар мавжуд эмас	12	6
Бошқа	6	3
Жами	200	100

21-жадвал

Кунлик меҳнат бозорини тартибга солинишини истайсизми?

Жавоблар мазмуни	Ишловчилар сони, киши	Ишловчилар Улуши, %
Ҳа	123	62
Йўқ	36	18
Шарт эмас	41	20
Жами	200	100

22-жадвал

Кунлик меҳнат бозорида қандай имтиёзлар бўлишини хоҳлайсиз?

Жавоблар мазмуни	Ишловчилар сони, киши	Ишловчилар Улуши, %
Ҳуқуқларим ҳимоя қилинишини	97	49
Ҳар доим иш топиб беришини	85	42
Бошқа	18	9
Жами	200	100

23-жадвал

Кунлик меҳнат бозорида меҳнат ҳақини нимага асосан белгилайсиз?

Жавоблар мазмуни	Ишловчилар сон, киши	Ишловчилар улуши, %
Бозордаги шерикларимга қарайман	43	22
Иш турига қарайман	84	42
Оилавий харажатларимга қарайман	33	16
Иш мавсумига қарайман	36	18
Бошқа	4	2
Жами	200	100

24-жадвал

Кунлик меҳнат бозорини давлат томонидан тартибга солиб туришини истайсизми?

Жавоблар мазмуни	Ишловчилар сони, киши	Ишловчилар улуши, %
Ҳа истайман	119	60
Йўқ истамайман	45	22
Зарурат сезмайман	36	18
Жами	200	100

25-жадвал

**Қандай иш тутилса сиз кунлик меҳнат бозоридаги “Иш марказига”
муурожаат қилган бўлардингиз ?**

Жавоблар мазмуни	Ишловчилар сони, киши	Ишловчилар улуши, %
Кунлик ишчи кучи бозорида “Иш маркази” ташқил этилса	42	21
“Иш маркази” ходимлари бизларни жалб этса	30	15
“Иш маркази” иш сўраб борилганда иш топиб берса	31	16
“Иш маркази” иш турларини таклиф этса	24	12
“Иш маркази” кунлик даромадимизни берса	24	12
“Иш маркази” иш жараёнидаги муаммоларни ҳал қилса	14	7
“Иш маркази” қонуний ҳуқуқларимни ҳимоя қилса	35	17
Жами	200	100

26-жадвал

**Кунлик меҳнат бозорида “Иш маркази” ташқил этилса у билан
шартнома асосида ишлашни истайсизми ?**

Жавоблар мазмуни	Ишловчилар сони, киши	Ишловчилар Улуши, %
Ҳа	135	68
Йўқ	65	32
Жами	200	100

МУНДАРИЖА

Кириш.....	3
Кунлик меҳнат бозори ҳолатини ўрганиш ва уни тартибга солиш бўйича ўтказилган социологик тадқиқот натижалари.....	5
Хулоса.....	21
Таклиф ва тавсиялар.....	24
Сўровнома.....	26
Ўтказилган сўровлар асосида тузилган жадваллар.....	31